

ДУНЁ ТАРҒИБОТ СИСТЕМАСИ ЭВОЛЮЦИЯСИ

С.А. Чориев, ҚарДУ профессори
Р.Р. Рустамов, ҚарМИИ доценти

АННОТАЦИЯ

Мақолада тарғиботнинг юзага келиши ва эволюцияси таҳлил қилинади. Муаллифнинг фикрига кўра, тарғибот системаси эволюцияси бир неча даврни босиб ўтган ва ҳар бир давр тарғиб қилинган гоялари ва тарғибот воситалари билан бир-биридан тафовутлананади.

Калит сўзлар: тарғибот, тарғибот эволюцияси, қадимги давр тарғиботи, воизлик санъати, тарғибот мақсади, тарғибот усули.

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется возникновение и эволюция пропаганды. По мнению автора, развитие пропагандистской системы прошло несколько эпох, и каждая эпоха отличается от идей и средств пропаганды.

Ключевые слова: пропаганда, эволюция пропаганды, древняя пропаганда, искусство проповеди, цель пропаганды, метод пропаганды.

ABSTRACT

The article analyzes the types of propaganda, its goals and objectives. According to the author, the main goal of any propaganda is to form public opinion and a life position that meets the interests of a particular subject.

Keywords: propaganda, the evolution of propaganda, ancient propaganda, the art of preaching, the purpose of propaganda, the method of propaganda.

KIRISH

Муайян ғоя, қараш, фикр, факт, аргументни тарқатиш, уни жамоатчилик онгига сингдириш ва шу йўл билан жамоатчилик фикрини шакллантириш зарурияти инсоният тараққиётининг барча босқичларида мавжуд бўлган. Аксарият ҳолларда жамиятни бошқариш, барқарорликни сақлаш, ижтимоий тараққиёт суръатларини жадаллаштириш, маълум ижтимоий, иқтисодий, сиёсий масалалар ечими шуни тақазо этган. “Чунки жамоатчилик фикрисиз жамият тараққиётини амалга ошириб бўлмаслиги оддий ҳақиқатдир.”¹ Тарғибот системасининг шаклланишига сабаб бўлган асл муддао ҳам шундан иборат.

¹ Язданов У. Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ривожлантириш масалалари. - Т.: Нишон-ношир, 2015.- Б.3.

Кишилиқ жамияти тараққиёти давомида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиёт парадигмалари ўзгара боргани, тараққиётнинг янги ва янги моделлари вужудга келгани, диний қарашлар, ғоя ва мафкуралар ривожлангани, манфаатлар тўқнашуви кескин тус олгани сайин тарғибот системаси ҳам мураккаблашиб борди.

Тарғиботнинг бу мураккаб таркиби фавқулодда пайдо бўлиб қолгани йўқ. У бир неча минг йиллар аввал юзага келиб, инсоният тарихий тараққиёти давомида шаклланиб ва такомиллашиб борди.

Тарғиботнинг юзага келиши ҳақидаги мулоҳазаларда ягона ёндашув мавжуд эмас. Айрим манбаларда тарғибот ўрта асрларнинг охирларида миссионерлик фаолияти туфайли юзага келгани эътироф этилади.² Аслида ўрта асрларнинг охирларига (аниқроғи XVII асрга) келиб, Ғарбда “тарғибот” тушунчасининг муқобили – “пропаганда” сўзи илмий муомалага киритилди, холос. Лекин бундан “тарғибот” (“пропаганда”) деб номланган ижтимоий фаолият тури ўрта асрларга келибгина пайдо бўлган, деган хулоса келиб чиқмайди. Бошқа манбаларда эса тарғибот дин инқирозга юз тута бошлаган XVIII-XIX асрларда Ғарбий Европада юзага келгани таъкидланади¹.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Мантқан фикрлаганда, жамиятда ғоя, фикр бор экан, уни тарқатиш, жамоатчилик онгига етказиш механизми ҳам, мазкур механизм асосида фаолият олиб борадиган кишилар гуруҳи ҳам мавжуд бўлади. Шунинг назарда тутган ҳолда америкалик социолог Ч. Симман таъкидлайдики, тарғибот социумда кишилар нутқдан фойдалана бошлаганлари заҳоти вужудга келган.² Бинобарин, тарғибот инсоният тарихининг дастлабки босқичидаёқ мавжуд бўлган, бироқ орадан неча минг йил ўтганидан кейингина бу фаолиятга ном берилган.

Бизнинг фикримизча, тарғибот системаси эволюцияси бир неча даврни босиб ўтган. Бу даврларни инсоният цивилизацияси босқичларига мутаносиб равишда бешга бўлиш мумкин:

- а) Қадимги дунё тарғиботи;
- б) Ўрта асрлар тарғиботи;
- в) Уйғониш даври тарғиботи;

² Қаранг, мас.: Патрихина Т.Н., Шламова Д.А. Пропаганда: сущность научной дефиниции, подходы к классификации.// Молодойученый, 2015, №4.-С. 305-308.

¹ Қаранг: Bell D. The End of Ideology.- N.Y.,1967.- P. 396-397.

² Қаранг: Siepmann C. The Nature of Propaganda.- N.Y., 1969.- P.12.

- г) Янги замон тарғиботи;
- д) Ҳозирги замон тарғиботи.

Бу даврлар бир-биридан тарғиб қилинган ғоялар, тарғибот воситалари билан тафовутланади.

Қадимги дунё тарғиботи асосан эзгулик, ижтимоий тенглик ва адолат ғояларини жамоатчилик онгига сингдириш билан боғлиқ эди. Бу давр эрамиздан аввалги III минг йилликдан тортиб эрамизнинг VI-VII асрларига қадар бўлган даврни қамраб олади. Қадимги дунёда мавжуд бўлган тарғибот куртакларини яхлит система деб бўлмайди, албатта. Бироқ, шунга қарамасдан, бу даврда жамоатчилик фикрини шакллантириш, унга маълум ғояни сингдириш мақсадида яратилган асарлар кишилар дунёқарашини ва руҳиятига катта таъсир кўрсатди.

Тарғиботнинг илк изларини эрамиздан аввалги III минг йиллардаёқ Қадимги Мисрдан топиш мумкин. Манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, бу даврдаги тарғибот асосан Миср ҳукмдорлари ёки аёнлари томонидан олиб борилган. Тарғибот объекти сифатида эса жамиятдаги юқори ва қуйи табақалар, ёшлар танланган. Қадимги Миср тарғиботининг асосий мақсади жамиятда қарор топган ижтимоий муносабатларни сақлаб қолиш, уни парокандаликдан асрашдан иборат эди. Буни эрамиздан аввалги III минг йилликда битилган “Птахотеп насихатларида” кўришимиз мумкин.¹ Птахотеп ўз даврида мамлакатнинг жатиси (вазири) бўлиб, бутун маъмурий-бошқарув системасига раҳбарлик қилган. У ўз насихатларида мамлакатдаги барқарорликни сақлашга чақиради. Бунинг учун қуйи табақа вакиллари ўз фароғатлари юқори табақалар иродасига боғлиқлигини чуқур англашга, юқори табақа вакиллари эса қуйи табақа вакиллари хўрламасликка тарғиб этади.

Тарғиботнинг илк намуналарини “Хаммурапи қонунлари” мажмуидан ҳам топиш мумкин.¹ Унда айтилишича, мазкур қонунлар гўёки мамлакатда адолатни қарор топтириш, мухтожларни муҳофаза қилиш мақсадида ишлаб чиқилган эмиш. Бироқ, табиийки, аслида барча қонунларнинг мазмуни ҳукмрон доиралар ва мулк эгаларининг манфаатларига монанд равишда талқин қилиб чиқилган.

Қадимги Ҳиндистонда ҳам тарғиботнинг бир қанча эътиборга лойиқ кўринишлари фаолият кўрсатган. Улар орасида брахманизм ва буддизм диний-фалсафий таълимотлари билан боғлиқ тарғибот алоҳида ажралиб туради.

¹Қаранг: Брагинский И. Идеи гуманизма в литературах Востока.// Сборник статей.- М., 1967.- С.5-6.

¹Қаранг: Законы Хаммурапи.- М.:ЛитРес,2015.

Маълумки, брахманизм диний-фалсафий таълимот сифатида Қадимги Ҳиндистонда эрамиздан аввалги 1 минг йилликнинг ўрталарига келиб қарор топган. Таълимотнинг асосий ғояларидан бири жоннинг кўчиб юриши ғояси эканлигини ҳам яхши биламиз. Жон бир танадан иккинчи-сига кўчишида карманинг характери муҳим аҳамиятга эга. Агар карма ҳаёт давомида яхши амаллар билан бойитиб борилган бўлса, у кейинги ҳаётнинг муваффақиятли кечишини таъминлайди. Шу боис инсон умри эзгу амаллар билан ўтказишга интиломоғи лозим. Брахманизм тарғиботи айнан ана шу ғояни жамоатчилик онгига сингдиришга қаратилган эди.

Энг эътиборлиси, брахманизм негизида брахманлар кастаси вужудга келди. Ушбу каста вакиллари илк профессионал тарғиботчилар сифатида баҳолаш ҳам мумкин. Брахманларнинг энг асосий бурчи Кришнани ёддан чиқармасликдан иборат бўлган. Унинг бутун фикри-хаёли Кришна билан банд бўлса, эзгулик ва ёвузлик ҳақидаги билимларни ўзлаштириши осон кечади, деб ҳисобланган. Брахманларнинг бундай билимлари доираси бошқаларникига қараганда кенгроқ бўлгани боис уларнинг жамиятдаги асосий вазифаларидан бири бошқа табақа вакиллари эзгуликка чақириш, донишмандликка ундаш, бошқача айтганда, тарғибот билан боғлиқ бўлган.¹ Брахманлар Қадимги Ҳиндистон аҳолисининг 2 фоизини ташкил этганини назарда тутадиган бўлсак, мамлакат тарғибот системаси анча кенг илдиз отганига, улар тарғиб этган таълимот бугунга қадар етиб келганига эътиборни қаратсак, бу система анча самарали фаолият кўрсатганига ишонч ҳосил қиламиз.

Қадимги Ҳиндистонда эрамиздан аввалги VI асрда юзага келган ва брахманизмнинг муқобили бўлган диний-фалсафий таълимот –буддизм ҳам самарали тарғибот йўлларида фойдаланган. Буддизм улуғлаган марказий ғоя нирвана –осойишталик ва хотиржамликдир. Таъкидланишича, инсон ўз ҳаётида осойишталик ва хотиржамликка интиломоғи, унга эришишга ҳалал берувчи омилларни бартараф этишга уринмоғи лозим. Шунингдек, мазкур таълимот уни таъминлашга хизмат қиладиган ижтимоий муаммоларни муҳокама қилишга, уни шу осойишталикдан маҳрум қиладиган муаммоларни атрофлича таҳлил этишга ҳам интилган. Шу тарзда давлат, ҳокимият вакиллари танлаш, ижтимоий тузумни ташкил этишга доир масалаларга ҳам муносабат билдирилган.

¹Қаранг:Джавахарлал Неру. Открытие Индии.// Открытие Индии. Философские и эстетические воззрения Индии XX века. – М.: Художественная литература, 1987.- С. 61-63; Паршиков Ю.Четыре сословия общества (брахманы, кшатрии, вайшьи и шудры.//www.sambandha.ru.

Таълимотнинг асосий тарғибчиси Сиддхартха Гаутама, яъни Будданинг ўзи бўлган. Будда ўттиз ёшига қадар ўз таълимотининг асосий жиҳатларини шакллантириб бўлганидан сўнг уни тарғиб қилиш учун шогирдларидан иборат каттагина жамоа тузади. Устозидан пухта таҳсил олган бу жамоа кишилар орасида эркинлик ва ижтимоий тенглик ғояларини, ахлоқий қадриятларни тарғиб қила бошлайди, уларни ўғрилик, ёлғон ва зўравонлик каби иллатлардан сақланишга чақиради. Мазкур ғоялар тарғиботи самарали йўлга қўйилгани туфайли буддизм тез орада турли ижтимоий қатлам вакиллари орасида машҳур бўлиб кетди ва брахманизмга муқобил бўлган кучли таълимот сифатида қарор топди.

Брахманизм ва буддизм негизида шаклланган тарғибот тажрибаси бутунлай йўқ бўлиб кетмади. Тўғри, мазкур тажриба ҳали яхлит система сифатида шаклланмаган ва ўз даврининг камчиликларидан ҳоли эмас эди. Лекин, шунга қарамасдан, ушбу таълимот вакиллари ўз ғояларини тарғиб қилиш билан боғлиқ анча-мунча илмий-назарий, методологик ва амалий аҳамиятга молик малакаларни жамлашга муваффақ бўлишди. У кейинчалик ҳиндуизм таркибига кирган қатор анъанавий таълимотлар томонидан ўзлаштирилди ва бойитилди.

Қадимги Юнонистонда тарғибот мутлақо янгича характер ва ижтимоий аҳамият касб этди. Бунинг асосий сабабини Қадимги Юнонистонда маълум муддат ҳукм сурган демократик бошқарув шаклидан изламоқ зарур. Ҳар ўн кунда бир бора ўтказилган Халқ йиғинида турли ижтимоий масалалар атрофида баҳс-мунозаранинг авж олиши одатий бир ҳол эди. Унда иштирок этган ҳар бир фуқаро ўз фикрини асослаб беришга, унинг тарафдорларини кўпайтиришга интиларди. Шу муносабат билан ўз фикрини изчил ва асосли баён қилиб беришга эҳтиёж юзага келди. Бу эҳтиёжга жавобан софистларнинг бир гуруҳи тарғиботнинг таъсирчан усули – нотиклик санъатини ўргатувчи мактабларни (ритор мактаблари) юзага келтирдилар. Бу мактабларда риторика – нотиклик санъатидан таҳсил бериларди

Эраמידан аввалги V асрда Горгий шогирди Исократ Афинада риторик мактабга асос солди. Унинг ўзи нотиклик билан шуғулланмас, шогирдлар тайёрлаш ва нутқлар ёзиш билан кифояланарди. Мактабда тингловчиларнинг эътиборини узоқ муддат тортиб туришга ёрдам берадиган нутқлар тузишга алоҳида эътибор берилган. Тингловчилар турли мавзуларда декламациялар – суазориялар (бирор бир сиёсий мавзуга бағишланган нутқ) ва контроверсиялар (суд жараёнида қилинадиган нутқ) тузишни машқ қилишар, уни ижро этишга

одатланишар эди. Бундан ташқари, Исократнинг ёзган нутқлари ҳам катта таъсирчан кучга эга эди. У ўз нутқларида юртдошларини ҳамжиҳатликка чақирар, ижтимоий барқарорликка хизмат қилувчи ғояларни тарғиб қиларди.¹ Риторлик мактабида таҳсил олган ораторлар ўз замонасининг профессионал тарғиботчиларига айланар эди, десак янглиш бўлмас.

Ўрта асрлар тарғиботи ўз даври каби теоцентрик характерга эга бўлгани боис дин ақидалари ва диний таълимотлар моҳияти ва мазмунини тушунтириб ва асослаб бериш, уни жамоатчиликка сингдириш воситасига айланди. Бу давр эрамининг VI-VII асрларидан тортиб XIV асрга қадар бўлган даврни камраб олади. Ўрта асрлар охирига келиб, тарғибот яхлит система сифатида тугал шаклланиб бўлди.

Ғарбда тарғибот системасининг шаклланиши христиан динининг юзага келиши ва тарқалиши билан уйғун ҳолда кечди.² Христиан дини йўқсил ва камбағал кишиларнинг эҳтиёж ва манфаатларини ҳимоя қилувчи дин сифатида юзага келди. Исо алайҳиссаломнинг илк ваъзларидаёқ Рим империясида ҳукм сурган ижтимоий-сиёсий вазият, тенгсизлик ва адолатсизлик кескин қораланди, ҳадемай бу вазият ўзгариши ва Худо иродаси қарор топиши таъкидланди. Табиийки, ижтимоий аҳволини ўзгартиришдан ҳеч қандай умиди йўқ кишиларнинг катта гуруҳи унинг ортидан эргашдилар. Тез орада Исо алайҳиссалом таълимоти жиддий ижтимоий кучга эга бўлган мафкурага айлана бошлади, унинг тарафдорлари сони кескин кўпая борди. Ҳатто христианликни тарғиб қилувчи илк асар - “Апокалипсис” пайдо бўлди.

Христиан теологлари айна пайтда христианликни тарғиб қилиш методикасини яратишга ҳам ҳаракат қилишди. Натижада христиан дини ҳукмрон мафкура кўринишини олди ва ўз даври кишиларининг дунёқараши ва руҳиятига кучли таъсир кўрсатишга қодир воситага айланди. Христиан динининг ўзи ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий норма ва принциплар, қадрият ва анъаналарни тарғиб қилувчи қудратли механизмга айланди.

Шарқда ислом дини шаклланишининг илк давриданок уни тарғиб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг исломнинг мазмуни ҳақидаги дастлабки ваъзларининг ўзиёқ тарғибот намунаси эди. VIII асрнинг ўрталари– IX асрнинг бошларида

¹Қаранг: Исаева В.И. Античная Греция в зеркале риторики. Исократ.- М.:Наука, 1994.

²Қаранг: Иванян Э. А. Социальная роль средневековой религиозной пропаганды// <http://libmonster.ru/m/articles/view>.

сўфийлик номини олган зоҳидлик оқими шакллана бошлади. Бу оқим вакиллари орасида қуссослар (насихатгўй воизлар) алоҳида ўрин тутардилар. Қуссосларнинг даъват ва хутбалари Аллоҳга астойдил муҳаббат қўйиш, унга интилиш туйғуларини уйғотарди. Уларни кишилар дунёқараши ва руҳиятига кескин таъсир ўтказиш услубларини пухта ўзлаштирган тарғиботчилар эди, десак хато бўлмас.

Умуман олганда, даъват ёхуд ваъз айтиш ислом тарғиботининг асосий усули эди. Бу борада Ҳусайн воиз Кошифий, Муъинуддин Воиз, Воиз Ҳаравий, Зайниддин Восифий, Қози Ушаний сингари юқори маҳоратга эга сўз усталари мавжуд эди. Ўрта асрларда жума ва ҳайит номозлари олдидан жамоат олдида ваъз айтиш одат тусини олди. Шу муносабат билан ваъз айтиш санъатини ўргатувчи калом илми шаклланди. Бу илм тарғиботни амалга оширишда уч масалага алоҳида эътибор бериш зарурлигини уқдиради:

а) ваъз айтиш учун воиз танлашда адашмаслик керак; бундай киши хушовоз, таъсирчан гапирадиган, ишонтира оладиган киши бўлмоғи лозим;

б) ваъз матнлари турли табақаларнинг хусусиятларига қараб, таснифланган ҳолда тайёрланиши керак; калом илми юқори табақа вакиллари учун тайёрланган нутқни султониёт, ҳарбийлар учун тайёрланган нутқни хутубу жиҳодия, оддий халқ учун тайёрланган нутқни ғарибона мақом деб атайди;

в) ваъзлар мазмун жиҳатидан ҳам таснифланмоғи даркор; илмда давлат аҳамиятидаги ёзишмаларни иншо этиш ва ўқиб бериш нидабирлик, диний ёки сиёсий майлдаги нотикликни хатиблик, диний-ахлоқий масалаларни шарҳлаб беришни музаккирлик деб номланади.

Ўрта асрлар интиҳосига келиб ҳам христианлик, ҳам ислом динлари негизида қатъий белгиланган қоидалар асосида фаолият кўрсатадиган, ўз назарияси ва методологиясига эга бўлган тарғибот системаси шаклланиб бўлди. Рим Папаси Григорий XV томонидан “Congregatio de Propaganda Fide” (“Дин ақидаларини тарқатиш конгрегацияси”) номли католик ташкилотга асос солиниши орқали турли фикр ва ғояларни жамоатчилик онгига сингдириш, жамоатчилик фикрини ўзгартириш, кишиларда мақбул ҳаётий позицияни шакллантириш, уларни маълум ижтимоий мўлжалларга йўналтириш билан боғлиқ ижтимоий фаолият тури илк бора ўз номига (пропаганда) эга бўлди.

Уйғониш даври тарғиботи асосан гуманизм ғояларини жамоатчилик онгига сингдириш билан боғлиқ эди. Бу давр XIV аср охирида бошланиб, XVI асрда ниҳоясига етди. Уйғониш даврида Европанинг бир қатор мамлакатларида секуляризация жараёни бошланди. Бу жараён ижтимоий турмушнинг барча

жабҳаларига ўз таъсирини ўтказди, диннинг кишилар дунёқарашига таъсирини камайтирди. Унинг оқибатида мазкур давр тарғиботи характери ҳам ўзгарди. Бунинг устига ҳайкалтарошлик, театр, адабиёт каби санъат турлари тарғиботнинг қудратли воситасига айланди.

Гуманизм ғоялари ўзининг илк босқичида Италияда антик адабиётни, санъатни, тил ва маданиятни ўрганиш шаклида намоён бўлди. Тез орада бу ғоялар даврнинг атоқли файласуфлари томонидан ривожлантирилди, кенг тарғиб қилина бошланди. Хусусан, Ренессанс даврининг буюк шоири, публицисти, файласуфи ва сиёсий арбоби Данте инсон ўз тақдирини ўз қўли билан яратади, бунинг учун у ўз шахсининг имкониятларига таянмоғи лозим, деган фикрларни тарғиб қилди. Буюк италян файласуфи ва шоири Петрарка ўз ижодида антик маданиятни тарғиб қилишга кўпроқ эътиборни қаратди. У тўплаган латин тилида ёзилган қўлёзмалар, классик матнлар ўз замонасининг ноёб кутубхонасини ташкил этди. Гуманистик антропоцентризм италиялик машҳур файласуф аллома Пико Делла Мирандола асарларида ўзининг энг баланд чўққисига кўтарилди.¹

Гуманизм ғоялари тарғиботи Италиядан Европанинг бошқа мамлакатларига ўтди. Роттердамда Эразм ўзининг ҳавас қилса арзигулик ижодий фаолияти билан христиан эътиқодини турли беъманиликлардан озод қилиниши, унинг негизида инсонпарварлик ғояларининг шаклланиши, ижтимоий адолат ва тенглик ғояларининг системалаштирилиши учун шарт-шароит яратиб кетди. Францияда Мишель Монтень ҳар бир киши ҳаётда маълум ахлоқий қоидаларга амал қилиши, табиат билан узвий алоқадорликда яшаши, ақл-заковат ҳукмига бўйсунуши зарур, деган фикрларни асослаб берди.²

Янги замон тарғиботи асосан маърифатпарварлик ғояларини жамоатчилик онгига сингдириш билан боғлиқ эди. Бу давр XVI асрнинг охири- XVII асрнинг бошларида бошланиб, XX аср бошларига қадар давом этди. Янги замон тарғиботи кишилар дунёқараши ва руҳиятини тубдан ўзгартирди, тарғиботнинг характери жиҳатидан янги услублари ва усуллари, омиллари ва воситаларини вужудга келтирди.

XVI асрнинг охири – XVII асрнинг бошларида Ғарбий Европада туб ўзгаришлар содир бўла бошлади. Хусусан, 1640 йилда Англиядаги революция оқибатида мутлақ монархия ўрнини буржуа республикаси эгаллади. Бу жараён

¹Қаранг: Чориев А., Чориев С. Ренессанс даври Европа фалсафаси. - Т.: Тафаккур қаноти, 2015.

²Қаранг: ўша ерда.

аста-секинлик билан Европанинг бошқа мамлакатларини ҳам қамраб олди. Унинг шарофати билан нафақат жамиятнинг сиёсий соҳасида, балки ишлаб чиқариш жараёнида, хусусан меҳнат тақсимотида ўзгаришлар юзага келди. Ишлаб чиқариш жараёнини оқилона ташкил этишга бўлган интилиш кучайиб борди, ишлаб чиқаришга илм-фан ютуқларини татбиқ этиш тенденция даражасига кўтарилди. Шубҳасиз, бу жараёнлар тарғибот характерида ҳам ўз таъсирини ўтказди. Янги замон тарғиботи, биринчидан, илм-фанни, баркамолликни ва маърифатпарварликни тарғиб қилувчи, иккинчидан эса, тарғибот ишларини илм-фан ютуқлари асосида йўлга қўювчи системага айланди. Бундай хусусият энг аввало Англия, Франция ва Германияда кўзга ташланди.

Баркамол инсон ва маърифатпарварлик ғоялари илк бор Англияда вужудга келди ва шу мамлакатда тарғиб этила бошланди. Бу ғоялар тарғиботи намуналарини инглиз файласуфлари Ф. Бэкон, Т. Гоббс ва Ж.Локк ва бошқаларнинг асарларида кўриш мумкин. Улар инсон тўғрисидаги христиан дини қарашларини кескин танқид қилдилар, инсон борлиги ва дунёқарашини шаклланиши қонуниятларига доир мутлақо янги фикрларни илгари сурдилар. Бу даврда Англияда китоб ноширчилиги жадаллик билан ривожлангани туфайли мазкур ғоялар зудлик билан оммалашиб бордилар.

Шундай қилиб, Европа маърифатпарварлари уйғониш даври гуманизмини ҳар томонлама ривожлантирдилар. Инсон нафақат Худо олдида, балки қонун олдида ҳам тенг бўлмоғи даркор; инсон инсоннинг қули, чўриси эмас, биродари бўлмоғи зарур; аҳолининг айрим табақалари –зодагонлар ва рухонийларга берилган табақавий имтиёзларни бекор қилиш лозим, деган ғояларни тарғиб қилдилар.¹ Ушбу ғоялар тарғиботнинг шарофати билан тор илмий доиралардан чиқиб, кенг халқ оммаси орасида ёйилди.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларидаги маърифатпарварлик ғоялари Марказий Осиёда ҳам тарқалди. Бунинг қатор ижтимоий ва сиёсий сабаблари бор эди. Чунончи, XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, минтақадаги ижтимоий-иқтисодий тузум инқирозга юз тутди, фуқароларнинг турмуш даражаси кескин пасая бошлади. Чор Россияси томонидан амалга оширилган мустамлакачилик сиёсати эса вазиятни ўнглаш учун ҳеч қандай имконият қолдирмади. Шунинг учун ҳам жамиятнинг илғор вакиллари мамлакатни қолоқлик ботқоғидан олиб чиқиш, ижтимоий

¹Қаранг: Чориев А. Инсон фалсафаси. Инсон тўғрисидаги фалсафий фикрлар тараққиёти.Биринчи китоб.- Т.: Чинор, 1998.- Б.145.

муаммоларни бартараф этишнинг ягона йўлини маърифатдан излай бошладилар. Илғор зиёлиларнинг бу интилишлари қисқа муддатда минтақадаги маърифатпарварликни катта ғоявий-назарий оқимга айлантирди.

Марказий Осиё маърифатпарварлигининг биринчи босқичида мавжуд ижтимоий тузум танқидига катта эътибор берилди, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий қолоқликдан қутулишнинг ягона йўли маърифат билан боғлиқлиги асослаб берилди. Иккинчи босқичда эса маърифатпарварлик ғояларини халқ орасида тарғиб қилиш ишларига эътибор қаратилди. Бунда жадинчилик ҳаракатининг роли ниҳоятда катта бўлди. “Жадинчилик – жаҳон цивилизацияси ютуқлари, хусусан илғор илм-фан, маданият-маънавиятга, миллий ва умуминсоний қадриятлар бирлигига асосланган, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий қолоқликка, Чор Россиясининг мустамлакачилик истибдодига қарши, миллий мустақилликни барқарор этишга қаратилган демократик ҳаракат эди.”¹

Жадинчилик ҳаракати томонидан амалга оширилган тарғибот кишилар дунёқараши ва руҳиятини тубдан ўзгартиришда, маърифатпарварлик ғояларининг жамият ҳаётидан ўрин олишида, миллий мустақилликнинг маънавий-маданий ва ғоявий-назарий асосларини яратишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ҳозирги замон тарғиботи ўзининг плюралистик характери, тарғиб этилаётган ғояларнинг турли-туманлиги билан ажралиб туради. Бу давр ХХ асрнинг бошларидан (биринчи жаҳон уруши йилларидан) бошлаб бугунги кунга қадар бўлган даврни камраб олади. Йигирманчи аср давомида тарғибот оммавий таъсир кўрсатишга қодир бўлган аҳамиятли системага ва қудратли кучга айланди, тарғибот юритишнинг ўзига хос назарияси шаклланди. Фан ва техника, санъат турлари, оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши эса тарғибот системасининг таъсир доираси ва имкониятларини ниҳоятда кенгайтди.

Биринчи жаҳон уруши йилларидаёқ тарғиботнинг турли шакллари кенг фойдаланилди. Уруш йиллари жамият ва шахс ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, жамиятнинг барча имкониятларини ғалабага сафарбар қилиш, кишиларни ягона мақсад атрофида бирлаштириш зарурияти юзага келди. Тарғибот ушбу вазифаларни бажаришга йўналтирилди. Ватанпарварлик,

¹Қаранг: Чориев А. Инсон фалсафаси. Инсон тўғрисидаги фалсафий фикрлар тараққиёти. Биринчи китоб.- Т.: Чинор, 1998.- Б.151-152.

қахрамонлик, жасоратни тарғиб қилувчи рисолалар, плакатлар, варақалар кўпайди.

Йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида тарғиботнинг кўплаб назариялари илгари сурила бошланди. Мазкур назариялардан бири Нью-Йоркдаги Сиёсий фанлар маркази директори лавозимида ишлаган Гарольд Дуайт Лассуэлл томонидан ишлаб чиқилган. Олимнинг фикрича, тарғибот нейтрал мазмунга эга, у ўз олдига қўйган мақсадига қараб, ижобий ҳам, салбий ҳам бўлиши мумкин. Ҳар қандай фуқаро тарғиботга ўта берилувчан бўлади, ижтимоий муаммолар, иқтисодий инқироз ва сиёсий зиддиятларнинг кескинлашиши улардаги бу хусусиятни янада кучайтиради. Кишилар тарғиботни руҳий хотиржамлик манбаи деб қабул қила бошлайдилар. Шу боисдан тарғиботдан унумли ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш зарур. Г.Лассуэлл тарғиботнинг мақсади кишиларни ягона муддао атрофида бирлаштиришдан иборат деб ҳисоблайди. Олим тарғибот воситалари фуқароларнинг ҳам ақл-заковатига, ҳам ҳис-туйғуларига таъсир қилишга интилиши кераклигини уқдиради. Бунинг учун оммавий ахборот воситаларини илмий технократияга бўйсундиришни, тарғибот жараёнида сиёсий мифлардан, сиёсий стереотиплардан кенг фойдаланишни таклиф этади.¹

Ёзувчи ва журналист Уолтер Липпман ўз давридаги ижтимоий ва сиёсий жараёнлар ниҳоятда мураккаблашиб кетганини қайд қилади. Жараёнлар шу қадар мураккаб ва синоатли тус олдики, оддий фуқаро унинг моҳиятини мустақил равишда англаб ета олмайди.

ХУЛОСА

Хулоса қиладиган бўлсак, тарғибот эволюцияси 5 минг йилдан кўпроқ давом этган жараённи ўз ичига олади. Ҳар бир даврда маълум гоё ва таълимотлар тарғиботи марказий ўринни эгаллаган, ҳар бир давр тарғиботи ўзига хос тарғибот услублари ва усуллари, омиллари ва воситалари асосида амалга оширилган. Тарғибот эволюцияси ҳақидаги назарий-гносеологик билимлар бугунги кундаги тарғибот технологияларининг генезиси ва асл мақсадларини чуқурроқ англаб олишда кўл келади.

REFERENCES

1. Язданов У. Ўзбекистонда жамаоатчилик фикрини ривожлантириш масалалари.- Т.: Нишон-ношир, 2015.- Б.3.

¹Қаранг: Гнатюк О.Л. Из истории американской коммуникологии и коммуникативистики: Гарольд Лассуэлл (1902-1978).// Актуальные проблемы теории коммуникации.- СПб.: Изд-во СПбГУ,2004.- С. 11-20.

2. Қаранг, мас.: Патрихина Т.Н., Шламова Д.А. Пропаганда: сущность научной дефиниции, подходы к классификации.// Молодой ученый, 2015, №4.-С. 305-308.
3. Қаранг: Bell D. The End of Ideology.- N.Y.,1967.- P. 396-397.
4. Қаранг: Siermann C. The Nature of Propaganda.- N.Y., 1969.- P.12.
5. Қаранг: Брагинский И. Идеи гуманизма в литературах Востока.// Сборник статей.- М., 1967.- С.5-6.
6. Қаранг: Законы Хаммурапи.- М.:ЛитРес,2015.
7. Қаранг: Джавахарлал Неру. Открытие Индии.// Открытие Индии. Философские и эстетические воззрения Индии XX века. – М.: Художественная литература, 1987.- С. 61-63; Паршиков Ю.Четыре сословия общества (брахманы, кшатрии, вайшьи и шудры.// www.sambandha.ru. ru.
8. Қаранг: Исаева В.И. Античная Греция в зеркале риторики. Исократ.- М.:Наука, 1994.
9. Қаранг: Иванян Э. А. Социальная роль средневековой религиозной пропаганды// <http://libmonster.ru/m/articles/view>.
10. Чориев А., Чориев С. Ренессанс даври Европа фалсафаси.- Т.: Тафаккур қаноти, 2015.
11. Қаранг: Чориев А. Инсон фалсафаси. Инсон тўғрисидаги фалсафий фикрлар тараққиёти. Биринчи китоб.- Т.: Чинор, 1998.- Б.145.